

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРТОНМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон  
қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,  
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик  
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия  
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2021-3  
Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издается с 2006 года**

**Хива-2021**

<b>Джалилова З.</b> У.Спенсор шеърларида шахс хусусиятининг ўсимликлар билан ифодаланиши	233
<b>Жумаев Т.</b> Белги семали сўзларнинг интеграл ва дифференциал хусусиятлари .....	235
<b>Исмаилова Л.Х.</b> Туристик рекламанинг прагматик хусусиятлари	238
<b>Йигиталиева М.А.</b> “Замон концептуал семантик майдони” ва уни ифодаловчи вербал ва новербал воситалар тизими .....	242
<b>Кенджаева Г.Ф.</b> Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романни инглизча таржимасида тарихийлик ва миллий колорит ифодаси .....	244
<b>Махмараимова Ш.Т.</b> Метафорик усуулда ҳосил бўлган анатомик терминлар – олам тиббий манзарасининг мустақил унсурлари .....	249
<b>Муминова А.А.</b> Лингвокультурологические свойства вербальных средств выражения категории побудительности в рекламном тексте	255
<b>Мухамедова Л.Дж.</b> Ҳарбий терминлар таржимасининг ўзига ҳос хусусиятлари .....	259
<b>Мухаммедова Х.</b> Аёллар насли Бронте феномени мисолида .....	261
<b>Орирова К.Д.</b> Француз тилида миллий ўзига хосликнинг ономастик муаммоси	264
<b>Рўзимбоев С.Р., Абдуллаева С.Р.</b> Комил Аваз ижодида руҳият тасвири .....	266
<b>Рузметова Д.А.</b> Об изучении потенциального словаря при чтении текстов по специальности	269
<b>Самандарова Н.Э.</b> Тарихий роман: янгича таҳлил ва талқин эҳтиёжи	271
<b>Сариев А.Б.</b> Интернет-проект как возможность раскрытия творческого потенциала студентов	275
<b>Фозилова Н.</b> Развития устной речи для изучающих иностранного языка .....	277
<b>Ходжалепесова И.М.</b> Исследование вопросов отражения символики цвета в паремиологии английского, узбекского и каракалпакского языков	279
<b>Хужанова О.Т.</b> Восточные названия государственных учреждений, титулов и сословий в памятниках письменности XVI-XVIII вв.	283
<b>Юсупова Х.С.</b> Ҳозирги хитой тилида отларнинг префиксация орқали ясалиши ҳақида	287
<b>Якубова Н.И.</b> Инглиз, ўзбек ва рус тилларида туризмга оид терминларнинг лексик таҳлили	291
<b>ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b>	
<b>Ashirmatova M.J.</b> Bo'lajak agronomlarning kommunikativ ma'lumotining nazariy-metodologik tartibdagi tuzilishi	294
<b>Buxorova M.X., Burxanova G.M.</b> Rus va xorijiy tillarni o'qitishda talabalarning kommunikativ qobiliyatlarini shakllantirish va amalda qo'llash	295
<b>Ma'murova F.T., Abdullaeva N.X.</b> O'quvchilarda kasbiy ko'nikma va malakalarini shakllanishi	297
<b>Mamedova N.Z.</b> Rus tili darslarining agrar universitetida o'qitishning xususiyatlari	299
<b>Pulatova N.</b> Implementaton of innovations in the teaching foreign language	301
<b>Rahmanova N.T.</b> Innovation activity in the organization of the lesson English language	303
<b>Xolmatova M.A.</b> The role of foreign language in the formation of the communicative competence of physics	304
<b>Алламуратов Г.А.</b> Профориентация и формирование личностных деловых качеств у студентов средствами английского языка .....	306
<b>Жумаева Г.А.</b> Ривожланган хорижий давлатлар олий таълим тизими ривожланишида кредит системасининг ўрни ва аҳамияти .....	308
<b>Кубединова Э.Р.</b> Особенности развития дистанционного обучения	311
<b>Уринбаева Д.У.</b> Методика преподавания русского языка как иностранного	313
<b>Юсупов Э.К.</b> Использование игровой технологии при изучении русского языка в ВУЗах	314

9. Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1966. – 200 с.
10. Бархударов Л.С. Язык и перевод. -М.: “Международные отношения”, 1975. – 240 с.

**УЎК 808.5**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “ЎТКАН КУНЛАР” РОМАНИ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАСИДА ТАРИХИЙЛИК ВА МИЛЛИЙ КОЛОРИТ ИФОДАСИ**  
**Г.Ф. Кенджаева, ўқитувчи, Бухоро давлатуниверситети, Бухоро**

**Аннотация.** XX аср бошларида ёзилган илк ўзбек романы – Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асари – XXI асрда жсаҳонга танилмоқда. Бунга сабаб, романнинг кўп-қирралиги, бадиияти, миллий ва маданий эътиқодларнинг юксад даражада акс эттирилгани бир томондан олинадиган бўлса, иккинчи томондан унинг бугунги кунда хорижий тилларга таржима қилиниши, асар моҳиятини хорижий оммага таништиришига уринишлар деб айтисла, мақсадга мувофиқ бўлади. Шуни инобатга олган ҳолда, ушибу мақола Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романни таржимаси тадқиқига бағисланган бўлиб, унда аслиятдаги юксак бадиий маҳорат билан тасвирланган тарихийлик ва миллийлик каби хусусиятлар инглиз тилига таржимасида қай даражада ёритиб берилганини таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** аслият, таржима, реалия, тарихийлик принципи, миллийлик принципи, транслитерация, муқобил таржима.

**Аннотация.** Первый роман в узбекской литературе, написанный в начале XX века, приобретает всемирную известность в XXI веке. Причиной этому являются многие факторы - с одной стороны, многогранность произведения, художественность повествования, возвышение национальных и духовных ценностей, а с другой появление переводов романа на многих языках мира, что также можно назвать попытками донести всю тонкость романа иностранному читателю. Учитывая данные особенности, эта статья намерена изучить перевод романа узбекского писателя Абдуллы Кадыри «Минувшие дни» на английский язык, и анализировать степень передачи оригинальности произведения, а также принципы национальности и историчности.

**Ключевые слова:** оригинал, перевод, реалия, принцип историзма, принцип национальности, транслитерация, аналогический перевод.

**Abstract.** The first novel in Uzbek literature, written at the beginning of the XX century, gains worldwide fame in the XXI century. The reason for this is many factors - on the one hand, the versatility of the work, the artistic narrative, the rise of national and spiritual values, and on the other, the appearance of translations of the novel in many languages of the world, which can also be called attempts to convey the entire subtlety of the novel to a foreign reader. Taking into account these features, this article intends to study the translation of the novel by the Uzbek writer Abdulla Kadiri "Days bygone" into English, and analyze the degree of re-transmission of the originality of the work, as well as the principles of nationality and historicity.

**Keywords:** Original, translation, realia, principle of historicity, principle of nationality, transliteration, analogical translation.

**Кириш.** Буюк ўзбек ёзувчиси, ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романни 1922 йилда ёзилган бўлиб, унда XIX асрда содир бўлган воқеалар баён этилган. Роман тарихий жанрда ёзилган бўлиб, унинг ўзига хос жиҳати ўзбекнинг миллийлиги кўрсата олишида. Асарнинг дастлабки бобларида Кўкон хонлигининг сўнгги хукмдори Худоёрхон салтанати замонида савдо иши билан Тошкентдан Марғилонга сафар қилган ёш йигит Отабекнинг ҳаёти, унинг муҳаббати ҳикоя қилинган. Асарда бош қаҳрамон мулоҳазалари, туйгулари гўзал Кумушбиини севиб қолиши ва икки ёш қалбнинг севиб қолиши баени баробарида XIX асрда Туркистон ҳаёти, тарихининг энг асосий қатламлари, зиддиятлари кенг ёритилган. Ёзувчи асарга тарихий материалларни киритиб, ижтимоий, ҳаётӣ, инсоний муносабатларни мураккаблиги билан бадиий акс эттирган. Романдаги тарихнинг йирик воқеаси – чоризмнинг Туркистон мамлакатларини истило қилиниши, 1847-1862 йиллар воқеаларининг тасвири роман сюжети асосини ташкил этади. “Асарда икки тарихий вазият қаламга олинган. Биринчидан, Туркистонни забт этиб, уни ўз мустамлакасига айлантириш учун ҳаракат қилган, унга қарши ҳарбий юришни бошлаган кучли чор ҳарбий-сиёйсий қурилмаси ва унинг фаол сиёсати, иккинчидан, ўзаро уруш, низолардан заифлашган

хонлик тепасига чиқиб олган калтабин, мартабапараст кишиларнинг давлатни пароканда холга келтириши тарихи реалистик манзараларда акс эттирилган” [11, 20]. Романда ўзбек халқининг менталитети, миллий ўзига хослиги кучли тасвиirlанган. Асар қаҳрамонлариға хос андиша, ҳаё, инсонпарварлик каби эзгу ҳислатлар, халқ рухияти, ўзбекона ҳаёт тарзи энг нозик кирраларда кўрсатилган. Ҳар бир персонажнинг дунеқараши, тафаккури ўзбек халқининг миллий хусусиятларидан, келиб чиқиб ифода этилган. “Ўткан кунлар” романи турли тилларга кўп марта таржима қилинган бўлиб, унинг энг охирги таржимаси Nouveau Monde Editions номдор француз нашриётида 2019 йил “Days gone by” номи остида нашрдан чиқсан. Асар Кэрол Эрмакова томонидан инглиз тилига ўтирилган. Диссертациянинг ушбу фаслида биз айнан шу таржимада тарихийлик ва миллийлик хусусиятларнинг берилишини таҳлил остига тортамиз. Ушбу таржима ўзбек тадқиқотчилари Ф.М.Хажиева ва С.Б.Ҳамдамова томонидан тадқиқ этилган бўлиб, уларнинг ишларида кўпроқ стилистик воситалар таржимаси ўрганилган. [8, 9]

**Методология.** Бадиий асарни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш санъати мураккаб жараён бўлиб, асардаги тарихий ва миллий белгиларни тажимада акс эттириш таржимондан юксак маҳорат, тарихий билим ва миллий тафаккур, лисоний бойликни талаб қиласди. Шунинг учун таржимашуносликда бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, кўплаб олимлар бу масалада ўз изланишларини олиб борганлар. Таржимашунос олим Қудрат Мусаев ўзининг “Таржима назарияси асослари” номли китобида бу масалага чукур ёндашиб, кўйидаги фикрларни баён этган:

“Ҳар бир бадиий ёдгорлик муайян бир даврда содир бўлган вокеа-ходисаларни тасвиirlайди. Шунга кура, тарихий мавзуда битилган асар хозирги замон китобхонини халқ ҳаётининг тарихи билан таниширади. Табиийки, бундай асар давр эҳтиёжига мувофик тарзда ҳад-хисобсиз тарихий ва архаик лисоний воситалар билан тўлиб-тошган бўладики, улар китобхон кўз олдида давр рухини, нафасини жонлантириш билан бирга асарнинг бадиий-эстетик таъсирчанлигини ҳам оширади.” [10, 111]

Демак олимнинг фикрича, аслият рухини тўлақонли қайта яратиш масъулияти таржимон олдига тил воситаларини аслига мос ифода этиш йўли билан асар яратилган давр рухини ҳаққоний талқин этиш вазифасини кўяди.

“Аслият яратилган давр таржима амалга оширилган пайтдан одатда маълум даражада фарқ қиласди. Шунинг учун ҳам аслият рухини тўла-тўқис қайта яратиш масъулияти таржимондан зарурий лисоний воситаларни тўғри танлаш йўли билан аслият вужудга келган давр хусусиятини қайта яратишни талаб этади. Аслиятнинг “архаик” хусусияти таржимада замонавий сўз ва иборалардан муқобил воситалар сифатида фойдаланиш имкониятини бермайди. Шу билан бирга таржима амалга оширилган давр китобхонга яқин. тушунарли бўлиши лозим. Чунки таржимон асарни ўз даври китобхони мутолааси учун ўтиради.” [10, 111] Демак, умуман олганда, таржимада шундай лисоний воситалардан фойдаланиш керакки, ҳосил бўлган матн китобхонга яхши тушунарли бўлсин ва шу билан бирга асар яратилган давр унинг кўз олдида жонланиб турсин. Бунинг маъноси шуки, таржимада тилнинг архаик ва тарихий катламларига мурожаат қилишда суистемолликка йўл қўймасдан, улардан китобхонда асар яратилган давр тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин бўлган даражада фойдаланиш зарур.

“Тарихий вокеа-ходисалар тасвирига бағишлиланган асарлар таркибида қўлланилган халқлар тарихий-миллий турмуши тушунчаларини акс эттирадиган лисоний воситаларни таржимада ижодий, аслият рухига мос тарзда талқин этиш билан бир қаторда гоҳо уларни замонавийлаштиришга интилиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бу хол кўп таржимонларнинг ўз тилларидаги тарихий ва архаик сўзлардан яхши хабардор бўлмасдан, таржима жараёнида мавжуд икки тилли лугатларгагина суюниб иш кўришлари билан боғлиқдир. Мазкур лугатлар эса асосан тилнинг хозирги давр суз бойлигини қамраб олишлари сабабли аксарият ҳолларда тарихий-миллий хусусият тасвирини яратишга қийинчиликка дуч келадилар.” [10, 111] Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, таржимон асардаги тарихий мухитни, миллий колоритни, миллий тушунчаларни ўтириши жараёнида эҳтиёткорлик билан сўзларни маълум даражада танлай олиши, тарихийлик принципини фақат китобхонга қулай бўладиган даражада қўллай олиши керак. Чегарадан чиқадиган даражада архаик сўзлар, хос сўзларни матнда акс эттириши китобхонга нокулайлик яратиши мумкинлигини инобатга олиш мухим тамойиллардан бўлиб ҳисобланар экан. Олим хулоса сифатида кўйидаги фикрни баен этиб, таржимада ўта замонавийликка йўл қўйиш, асарни миллийликдан маҳрум этишга олиб келишини таъкидлайди:

“Хар бир бадиј ёдгорлик муайян давр ва хусусият тасвирига бағишлинар экан, таржимон зиммасига ўша руҳни аслиймонанд тарзда акс эттириш масъулияти юкландади. Таржима жараённада ушбу талабга риоя килмасдан, истеъмолдаги лугатларга таяниб иш қуриш адекват таржима яратиш тамойилига зид ҳолда, муаллиф матнини замонавийлаштириб қўйишига олиб келса, миллий хусусиятли лисоний воситаларни беасос шундай хусусиятдан холи бўлган бирликлар ёки таржима тили соҳибларига хос лисоний воситалар билан алмаштириб талқин этиш муаллиф матнини миллий асосдан маҳрум этади.” [10, 119]

**Асосий қисм.** Юкоридаги назарий асосга таяниб “Ўткан кунлар” романининг “Days gone by” деб номланган таржимасида тарихийлик ва миллийлик принциплари қай даражада ўз аксини топганини кузатишига ҳаракат қиласиз. Кузатишлиримизга асосланиб, асарда жуда кўп архаик сўзлардан фойдаланилган деб айтиш мумкин. *Бек, қумгон, бой, қутидор, мингбоши, зиндон, қушбеги, офтобачи* каби бугунги кун истеъмолидан чиқсан қатор архаик сўзлар муаллиф томонидан ишлатилган бўлиб, улар ўша давр колоритини, воқеаларини, тарихий муҳитни шакллантиришда хизмат қилган. Таржимада аксарият архаик сўзлар транслитерация усули ёрдамида ўгирилган. Мутаржим ҳар сафар бетнинг охирида уларга изоҳ берган ва инглиззабон китобхонга тушунарли тилда ҳар бир архаик бирликни таърифлаган. Аслиятда архаик сўзлар изоҳсиз берилган ҳолатларни кузатиши мумкин. Бу сўзланинг мъносини тушунмаган замонавий тилда сўзлашувчи ўзбек китобхони луғатларга мурожаат қилишини тақозо қиласи, бироқ инглиз тилида берилган кўплаб тушунтиришлар жуда катта кулайлик яратади.

Роман аслиятидаги дастлабки сатрларида муаллиф А.Қодирий тарихий санани киритган. Сана қамарий йил ва ойлар билан ёзилмаган. Ҳижрий йил ва ойда берилган. Эски замонда кўлланилаган миллий ва ислом динига оид номлар билан асар хронотопининг вақт бирлиги киритилган.

Аслиятда	Таржимада
1264 ҳижрия, далв ойнинг ўн еттинчиси, қишики кунларнинг бири, кўёш ботган, теваракдан шом азони эштиладир... [5, 17]	It was the seventeenth day of the month of <u>dalv</u> , <u>hijri</u> year 1264. A wintry day. <u>Calls to evening prayer</u> rang from all around as the sun set... [7, 11]

Мисолдан кўринадики, муаллиф йил ва ой номларини эски ўзбек вақт бирлигига, яъни тарихий номи билан берган. Даљв ойнинг замонавий календарга мос келадиган номи изоҳда бетнинг пастки қисмида нашриёт томонидан январь деб берилган. Таржимада йил ва ойнинг худди шу эскича номлари транслитерация шаклида таржима қилиниб, матн остида ҳижрий сўзига “*Hijri – Prophet Muhammad’s flight from Mecca to Madina (16 July 622 AD). This event marks the beginning of the Islamic calendar. The date referred to here corresponds to 7 February, 1848*”[7, 11] тарзида батафсил изоҳ берилган. Таржимон инглиз тилида ўқидиган китобхон қулайлиги, унинг тафаккурида ўтмиш даврининг, исломий муҳитнинг шаклланишида тўғридан-тўғри таъсир этишини таъминлаган. “Ҳижрий” сўзининг аниқлаштириб берилиши ҳозирги замон мусулмон олами китобхони баробарида бошқа дин вакиллари ҳам чукуррок тушунчага эга бўлишларга ёрдам беради.

Шу гапнинг ўзида берилган “шом азони” мусулмон дунёсига оид диний тушунчаси инглиз тилига “calls to evening prayer” шаклида таржима қилинган. “Prayer” сўзи “ибодат килиш, дуо ўқиши” деб таржима қилинади. Инглиз тили бошқа тиллардан кириб келадиган сўзларни қабул қилишда энг актив хисобланади. Маданият, диний қадриятларга кучли эътибор берадиган тил соҳиблари “namaz” сўзинининг моҳиятини тушуниб етадилар. Бирок намозга чақирувчи “шом азони” (кечкурунги намозга чақирув) тушунчаси бошқа дин вакилларга тушунарсиз бўлиб қолишини инобаттга олиб, таржимон уни изоҳловчи сўзлар билан “calls to evening prayer” (кечкурунги ибодатга чақирув) деб изоҳлаган ҳолда таржима килган. Бундан кўриниб турибдики, бир гапнинг ўзида мужассамлаштирилган икки тарихий ва диний тушунчаларга хос сўзлар таржимада икки усулда берилган. Биринчисида тарихий муҳитни шакллантирувчи вақт бирлиги транслитерация усулида таржима қилиниб, пастда унинг изоҳи берилган. Иккинчи ўринда диний атама изоҳловчи сўзлар билан китобхонга етказилган.

Аслиятда	Таржимада
Саройнинг тўрида бошқаларга қарагандада кўркамроқ бир <u>хужра</u> , анови хужраларда кийгиз тўшалгани ҳолда, бу хужрада қип-қизил гилам, уларда бўз <u>кўрпалар</u> кўрилган бўлса, бунда ипак ва <u>адрас</u> кўрпалар, наргиларда кора чирок сасигандада, бу хужрада шам ёнадир, ўзга	In the far reaches of the courtyard we see a snug room, marked by the elegance of its décor. If simple koshma felt rugs cover the floors in the rooms, here we find rich crimson carpets; if coarse blankets festoon the other quarters, here they are replaced by kurpach covers made of silks and adrases; if oil lamps smoke in other rooms, here

хужраларда енгил табиатли серчакчоқ кишилар бўлганида, бу хужранинг эгаси ҳам бошқача яратилишда(...) [5, 17]

candle flames flicker in a lively dance. And the resident of this room behaves differently, too, not like the hot-headed, happy-go-lucky lodgers in other quarters. [7, 11]

Кейинги мисолда остига чизилган сўзлар тарихий ва миллий колоритга эга бўлган сўзлар хисобланади. “Хужра” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, луғатда унинг икки маъноси кўрсатилган. Биричи маъноси – хона, бўлма; каюта бўлса, иккинчи маъноси **тарихий** бўлиб, мадраса, қориҳона ва масжидда шогирдлар, домуллалар яшаши учун ажратилган кичик хона. [12, 517] Асардан олинган юқоридаги парчасида “хужра” сўзи Марғилонда Отабек яшаган карвон саройнинг кичкина хонасини англатади. Бугунги кунда бу сўз истеъмолдан чиккан бўлиб, тарихий обидалар (мадраса, қориҳона, масжид, карвонсаройлар)нинг бир кисми сифатида қаралади. Ўзбек тилининг замонавий шаклида бу тушунча меҳмонхонадаги хона (hotel room) сўзлари билан ифодаланади. Шу сабабли “хужра” сўзи тарихий фонни яратишда қулай бўлиб, ундаги кичик ўлчам ва қоронгулик маъно оттенкалари фикрни ихчам шаклда ифодалашга ёрдам беради. Инглиз тилига “хужра” сўзи “cell” деб таржима қилинади. Бу сўз полисемантик бўлиб, унинг “хужра” сўзи маъноси билан мос келадиган оттенкаси кўпроқ диний еки қамоқхонага оид (a small simple room, as in a prison, convent, monastery, or asylum; cubicle, a small religious house dependent upon a larger one) тушунчаларни ифодалайди. Инглиз тилида “карвонсарой хонаси” тушунчасига оид маъноси бўлмаганлиги сабабли таржимон бу сўзни замонавий инглиз тилига хос тушунча билан “a snug room” (қўлай, шинам хона) деб таржимада берган. “Snug” аниқловчиси маъноси ўз навбатида “қўлай” билан биргаликда “яширин” маъносини ҳам ўзида мужассам этганлиги учун, “a snug room” сўз бирикмаси “карвонсарой хужра”сини жуда ўхшаш тарза тасвиirlай олган. Таржимада тарихий сўз замонавий эквиваленти билан алмасирилиб, маъно сақлаб қолинган.

Жадвалда кўрсатилган мисолдаги икки сўз “кўрпа” ва “адрас” бўлиб, улар халқимизга хос, **миллий** колоритни тасвиrlашда кўмак берадиган реалиялар бўлиб ҳисобланади. Чунки улардаги маъно туб миллатимизга хос бўлиб, гарб тилларида бу тушунчаларнинг эквиваленти йўқ. Асар таржимасида “кўрпа” ва “кўрпача” сўзлари бир-бири билан аралаштирилиб қўлланилган ҳолатни кузатиш мумкин. А.Қодирий асаридан олинган юқоридаги парчада “кўрпа” сўзи танча(сандал)ни устига ёладиган кўрпа маъносига қўлланилган. Чунки контекстда бу сўз “ётган одамнинг устига олинадиган” эмас, балки “танча атрофида ўтирганда унинг устига ёпиб қўйиладиган рўзгор буюми” деган маънени келтириб чиқаради. Бинобарин, эпизодда қиши кунида хужра тасвиrlаниб, меҳмон кутиш, овқатланиш жараёни тўғрисида гап борган. Таржимада бироз номутаносиблик келиб чиқкан. “Кўрпа” сўзи “kurgach” деб ўзбекларда ишлатиладиган яъни, замонавий тилининг нормаларига мос келадиган “Ўтириш учун остига тўшаладиган, узун филоф ичига пахта солиб қавилган қалин ва юмшоқ тўшак” [12, 470] - “кўрпача” тушунчасини билдирадиган сўз қисман транслитерация усули орқали ўгирилган ва бетнинг охирида сўзга “Kurgach – a traditional quilted mattress stuffed with felt or soft cotton generally covered in silk or cotton, used not only on beds but also in seating area.” [7, 11] – деб изоҳ берган. Шу сабаби сандали устига ёпиладиган “кўрпа” сўзи устига ўтирилаладиган “кўрпача”га айланиб қолган. Аслиятда “кўрпа” сўзи билан бир қаторда “кўрпача” ҳам ишлатилган. Бу икки тушунча таржимада бир сўз орқали ифода этилган. Ваҳоланки, инглиз тилида “кўрпа – blanket (Ётоқда ишлатиладиган, одам устига, ёпиниш учун олинадиган буюм)”, “кўрпача – mattress (Ётоқда ишлатиладиган, одам остига ташланадиган буюм.)” деган икки сўз орқали ифодаланадиган тушунчалари мавжуд. Бу сўзларнинг инглизча эквиваленти бўлса ҳам, уларнинг функцияси фақат ётоқ билан чегараланади. Ўзбек тилидаги “кўрпа ва кўрпача”нинг вазифаси кенгроқ. Кўрпа :

- 1). Ётоқда ишлатиладиган, одам устига, ёпиниш учун олинадиган буюм.
- 2). Кўпроқ тарихий маънода: Танча устига солинадиган буюм.

Кўрпача:

- 1). Ётоқда ишлатиладиган, одам остига ташланадиган буюм.

2). Ўтириш учун остига тўшаладиган, узун филоф ичига пахта солиб қавилган қалин ва юмшоқ тўшак.

Таржимон уларни миллий колоритни сақлаш мақсадида бир тушунча орқали ифодалаган. Бизнингча, уларни бир-биридан ажраттган ҳолда “кигра” ва “kurgacha” реалиялари билан ифодалаб, пастда, матн остида изоҳласа, мақсадга мувоғик бўлар эди. “Адрес” сўзи “форс тилидан оқ мато, йўл-йўл гулли мато бўлиб, ўриши ипак, арқоғи эса ипдан бўлган, атласга ўхшаш, аммо қалинроқ маҳаллий газлама”. [12, 41] Миллий мато тушунчасини миллатимизга хос бўлиб, унинг майнинлиги ва рангли нақшларининг товланиши сабабли

бадавлат кишиларнинг хонадонларида ишлатилишини бугунги кунда ҳам кузатиш мумкин. Асарни инглизчага ўғирган таржимон Керол Эрмакова бу сўзни транслитерация усулида таржима қилган ва бетнинг охирида инглизчада “Adras – striped or monotone semi-silk fabric with colourful designs.” [7, 11] – деб изоҳ берган. Кўриниб турибдикি, аслият ва таржимада ҳамма вақт ҳам миллий сўзларни аниқ тушунчалар орқали ифодалаш мураккаб жараён бўлиб, улардаги маъно оттенкалари фарқланиши мумкин.

Аслиятда	Таржимада
<p>- Мен сизга айтиб кўйай, <u>Кумуш</u>, - деди турар экан, кутидор Офтоб ойимга, - бу кунга бир меҳмон айтган эдим. Чўрингни чиқариб <u>меҳмонхонани</u> тозалат. Анови янги коплаган кўрпаларингни бер, <u>танчага</u> ўшани ёпсин. Катта гиламни ҳам чикар. Ўйингда меваларинг бор эдими?</p> <p>- Бор.</p> <p>- Бор бўлса яхши. Бироздан сўнг эт олиб киргизарман, вараги пишириб кўйингиз! [5, 33]</p>	<p>“I have invited a guest today, <u>Kumush</u>, bear it in mind,” he mentioned as he stood up. Then, turning to Oftobayim, he said:</p> <p>“Ask the servant to tidy up the <u>mehman khana</u>. Give her those kurpach, let cover the <u>sandal</u> with them. And lift out a large rug. Oh, and by the way, is there any fruit in the house?”</p> <p>“There is.”</p> <p>“Very good. I shall fetch meat in a little while. Preapare some puff-pastry pies.” [7, 33]</p>

Юқоридаги иллюстратив мисолда остига чизилган сўзларда тилнинг миллий хусусиятлари яшириниб келган. Дастрекки гапда Кумуш исмининг остига чизилган. Асарда Кумуш Мирзакарим кутидорнинг қизи. Қизига “сен” деб мурожат этган ота айнан шу диалогда “сиз” деб мурожаат этишига чуқур маънавий сабаб бор. Узбек миллатига хос бу мурожаатда қўлланиладиган муомала маданияти турмуш ўртоғининг исмини айтмасдан тўнғич фарзандининг исмини айтиб хотини еки эрини чақиришдан иборат. Шу сабаб кейинги “деди турар экан, кутидор Офтоб ойимга” деган гап таржимонга тушунарсиз бўлганлигини инглиз тилидаги матнда кузатиш мумкин. Мутаржим ушбу гапни “I have invited a guest today, Kumush, bear it in mind,” he mentioned as he stood up. Then, turning to Oftobayim, he said (...)” деб янглиш таржима килган. Таржимада кутидор аввал қизига мурожаат этиб, сўнгра Офтоб ойимга меҳмон келиши ҳақида кўрсатмалар берган, деган маъно келиб чиқади. Нозик маънавий маъно таржимада ўз аксини топа олмаган.

Остига чизилган кейинги миллий колоритга эга сўз “меҳмонхона” бўлиб, у асарнинг олдинги қисмларида “mehman khana” шаклида транслитерация усули орқали таржима қилинган. Сўзниң маъноси матн остидаги изоҳда “mehman khana – a room for receiving guests in the male half of a private house”, - деб очиб берилган. (Қаранг – “Days gone by” асарининг 22 бети.) “Танча” реалияси таржимаси диққатга сазовор. Ўзбек тилида “танча” сўзи “сандал” (Бухоро шевасида “сандали”) сўзига синоним бўлиб, ўзбек тилининг изоҳли луғатида унинг уч маъноси келтирилган. 1. Ўрта Осиё, Якин Шарқ ва Японияда маълум бир жойни иситиш учун мўлжалланган манқал, 2. Пошнасиз енгил оёқ кийими, 3 Хушбўй, эфир мойига бой кўп йиллик дарахт. [12, 438-439] Асарда “танча” сўзи “sandal” деб ўғирилган. Инглиз тилига “sandal” сўзи икки маънога эга бўлиб, бири “оёқ кийими”, иккинчиси “сандал дарахти”ни англатади. “Танча” еки “манқал” маъноси инглизча “sandal” сўзида кузатилмайди. Чунки бу сўз хос сўз бўлиб, у факат Осиё халқлари турмуш тарзида қўлланиладиган жиҳоз бўлиб ҳисобланади. Инглиззабон китобхон “танча” тўғрисида маълумотга эга бўлмаса, унинг маъносини ўз дунекарашидан келиб кўз ўнгидга чизади. Ўзбекча “сандал” рус тилига ҳам “сандал” деб таржима қилинади ва у “танча” ва “хушбўй дарахт” маъноларини англатади. Мутаржим таржимашуносликда кузатиладиган ходиса - “false friends” (“ёлғончи дўстлар”) яъни, инглиз, ўзбек ва рус тилларида бир хил талаффуз килинадиган сўзни қўллайди. Бирор унинг маъноси юқоридаги контексда турлича бўлгани учун бетнинг остига реалияга “Sandal – a small, low table over an iron box with hot coals recessed in the floor which serves to warm the feet and te legs in winter” - деб, изоҳ бериб ўтади. Кўриниб турибдики, миллий бўёққа эга сўзлар таржимада жуда мохирона берилиши керакки, улардаги маъно йўқолиб қолиши, еки нотўғри тушунилиши ҳодисаси рўй бермасин.

**Хулоса.** Демак, таржима жараёнида мутаржим турмуш тушунчаларини акс эттирадиган лисоний воситаларнинг таржима тилида учрамаслиги, таржима тили воситаларининг эса аслиятдаги шартли муқобилларидан ё хислат-хусусият, ёки шакл-ҳажм жихатидан ўзгачароқлиги, ёинки уларга мутлако ўхшамаслиги мазкур тиллар воситаларини таржимада бир-бирлари билан алмаштириш имкониятини бермай, таржимонни транслитерация усулига мурожаат килишга даъват этади. Аммо ушбу усулдан барча мушкулий холатларда фойдаланавериб бўлмайди: таржима тили луғат таркиби учун бегона лисоний воситалар

кўпинча баён этилган фикр ҳакида тўгри тасавур яратишга ожизлик қилгани ҳолда қўлланилиши мумкин экан.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Bakaeva, M. K. Angliya-AQSH adabiyotidan o'zbek tiliga she'riy tarjima va qiyosiy she'rshunoslik muammolari. Fil. fanl. dokt. diss. avtoreferati. Toshkent, 2004. B. – 50.
2. Fedorov, A. V. Osnovy obshey teorii perevoda (lingvisticheskie problemy). Moskov: Vysshaya shkola, 1983. 205 c.
3. Vinogradov V. S. Vvedenie v perevodovedenie (obshie i leksicheskie voprosi). — M.: Izdatel'stvo instituta obshego srednego obrazovaniya RAO, 2001. — 224 s.
4. Galperin, I. Stylistiks. Moskov: Higher school, 1977. p.335
5. Qodiriy A. O'tkan kunlar. — Toshkent, 2018. B. – 415.
6. Kadiri A. Minuvshie dni. — Tashkent: Shark, 2009. — S. 428.
7. Qadiri A. Days gone by. — Paris: Nouveau Monde editions, 2018. R – 349.
8. Khamdamova Sitora Bakhshilloevna [Interpretation of antonomasia in the translations of Abdulla Kadiri's Novel "Days Gone By"] Electronic Journal of Aktual Problems of Modern Science, Education And Training. June, 2020-III. ISSN 2181-9750 [http://khorezmssiene.uz/publik/archive/2020\\_3.pdf#page=133](http://khorezmssiene.uz/publik/archive/2020_3.pdf#page=133).
9. Xajieva F.M. Decoding of stylistic devices in Russian and English translations of the Uzbek novel "Days Gone By" by Abdulla Qadiri (stylistic correspondences and transformations). «International Scientific Journal Theoretical & Applied Sciense», 2019 Issue: 04 Volume: 72, t-ssiense.org.
10. Musaev Q. Tarjima nazariyasi asoslar. — Toshkent : Fan, 2005. B. – 201.
11. Murodov G'.N. Tarixiy roman: genezisi, keyingi taraqqiyoti. Toshkent: Fan, 2005, 20-b.
12. O'zbek tilining izohli lug'ati. A - S harflari. A.Madvaliev tahriri ostida. Toshkent – 2006 - 2008, – 438-439 b.

#### УЎК 81-13

### МЕТАФОРИК УСУЛДА ҲОСИЛ БЎЛГАН АНАТОМИК ТЕРМИНЛАР – ОЛАМ ТИББИЙ МАНЗАРАСИНинг МУСТАҚИЛ УНСУРЛАРИ

*Ш.Т. Махмараимова, доц., ф.ф.д., Термиз давлат университети, Термиз*

**Аннотация.** Когнитив терминологияда метафорик терминларнинг тадқиқи масаласи энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Мазкур мақоланинг тадқиқ предмети ўзбек тилидаги анатомик терминологиядаги термин-метафоралардир. Мақоланинг мундарижасини ўзбек тили анатомик терминологиясидаги термин-метафоралар ва уларнинг олам тиббий манзарасини шакллантиришдаги ўрни масаласи ташкил қиласди. Мақоланинг мақсади ўзбек тилидаги тиббий терминлар орасидаги термин-метафораларнинг ҳосил бўлишидаги манбани аниқлаши ва уларнинг олам манзарасидаги аҳамиятини белгилашдан иборатdir.

**Калит сўзлар:** когнитив терминология, олам тиббий манзараси, термин-метафоралар.

**Аннотация.** Метафорическое терминообразование является одним из актуальных направлений исследований в когнитивном терминоведении. Предметом рассмотрения данной статьи являются термины-метафоры в анатомической терминологии узбекского языка. Темой данной работы определяется метафорическая номинация в анатомической терминологии как самостоятельная единица в медицинской картине мира. Цель статьи – выявление основных источников терминов-метафор в анатомической терминологии узбекского языка и определение их роль в создании картины мира.

**Ключевые слова:** когнитивная терминология, медицинская картина мира, термины-метафоры.

**Abstract.** Metaphorical terminology is one of the most relevant areas of research in cognitive terminology. The subject of this article is the terms-metaphors in the anatomical terminology of the Uzbek language.

The theme of this work defines a metaphorical nomination in anatomical terminology as an independent unit in the medical picture of the world.

The purpose of the article is to identify the main sources of metaphor terms in the anatomical terminology of the Uzbek language and determine their role in creating a picture of the world.

**Keywords:** cognitive terminology, medicine map of the world, terminal metaphors.

Замонавий метафорологияда метафорага билишнинг усулларидан бири, термин ва атамаларни юзага келтирувчи, илмий дискурсни шакллантирувчи энг маҳсулдор механизм сифатида қаралади. Инсон когнитив лаёқатининг ёрқин далили ҳисобланмиш метафора мавжуд воқеликни концептуаллаштириб қолмасдан, эгалланган билимларни қайта ишлайди ва янги билимларнинг тараққиётига сабаб кўрсатади. Тадқиқотимизнинг мақсади бўлмиш термин ҳосил бўлиш жараёнида метафоранинг иштирокини ёритиш доирасида А. Э. Бужениновнинг фикрларига тўхталиш ўринли бўлади. Унингча, термин ҳам, метафора ҳам